



22.11.2022 даги

“SMART-SPESS-STROY” МЧЖ ва Вобкент тумани ХТБ ўртасида 579201000,00 сўм умумий суммага тузилган 301-2-33-хт/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Бооб	075
Шахсий газна хисобварак	401722860062127092100075036

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегинсли коди)			Жами
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	579 201 000,00			579 201 000,00
Декабрь				
Жами йил бўйича	579 201 000,00			579 201 000,00

Жами 579201000,00 сўм

Беш юз етмиш туукиз миллион икки юз бир минг сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 173760300,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***2022 й. ноябр ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига % жорий ойнинг санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берини шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

(имзо)

М.Фармонов
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Х.Шукуров
Ф.И.Ш.

PUDRAT SHARTNOMASI

defined«undefined»undefined yıl.

301-2-33-XT/2022-son

Кейинги ўрниларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Вобкент Халк таълими булимии номидан Низом асосида иш кўрувчи мудир М.Фармонов бир томондан ва кейинги ўрниларда "Пудратчи" деб юритиладиган MCHJ SMART-SPESS-STROY номидан Низом асосида иш кўрувчи томондан Ч.Жумаевага Вобкент ХТБ карашни 31-сон мактабининг биносими жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилиди:

"ижро хужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишни чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўринатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришида қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини таёдисловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар таёдисланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиягли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарири хамда курилни нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бонка хужжатлар;

"курилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бонка белгилар билан белгилаб кўйилади.

"вактичалик ишлар": Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўринатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган хар типдаги вактичалик бинолар ва ишшоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқланиб бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани пархици бўлиб чиқини; ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объекти умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудрагни мазкур шартнома шартларига умумий суммаси 579201000 сумни ташкил этиди (Беш изз стмини туккиз миллион икки юз бир минг) сумлик ишларни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилини ва тўловин амалга ошириши мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тацлов натижасида аниқланган ва тацлов комиссиясининг қарори (2022 йил "17" ноябрдаги "2177820" сон баённома) билан таёдисланган ишлар қиймати барча солинклар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда умумий суммаси 579201000 сумни ташкил этиб 2022 йил ноябр ойида 30% 173760300 сумма аване тулови амалга оширилини дозим;

курилиш қиймати ва кўнайтиришга сигиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холати сабаб бўлгандан;

ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгаришилганда;

объектининг курилиши бир йилдан ортиқча ўзгаришилганда.

5. Курисини муддати бир йилдан ортиқ бўлгандан иккичи йилга ва кейинги йилларга шартномавий пархларни аниқлантириши конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегинсли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлантирилади.

IV. Пудратчийнинг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартномасиниң 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга "3" пловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ишшоот пархидаги ишларни энг камиди 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишин Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топнишини;

- "2" иловага мувофик қурилини майдонига зарур қурилини материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилини техникаларини етказиб берин, уларни қабул қилиш түннинде омборга жойланы ва саклады;

- қурилини майдони худудида вактичалик ишшөгилар қуриш;

- буюртмачинин Пудрат шартномалари түзиллини давомиде субпудратчилар билан шартномалар түзиллини, шартнома мазмунни, субпудратчининг номи ва маизили түгрисида хабардор қилини;

- қурилини таваккалчилигини сугурга қилини.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилини майдонини ўзига тегишти қурилини машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, инжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилини материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактичалик бинолардан бўшатиш;

қурилини майдонини кўриктанини таъминлаш;

қурилини жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлантириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафезлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларниң ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилини ишларниң 50 %дан кўн бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектни фойдаланиши тоширилини учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажарин учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажарини учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилини устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилини, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олинини таъминлаш;

- молиялантириши жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофик аванс берини ва жорий молиялантиришини амалга ошириши;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомиде пудратчига пудрат ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажарини мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажарини муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган найтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилинган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун ҳужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

П. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялантириши жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажарини киришиди.

12. Таилов натижаси бўйича аниқланган қурилишининг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунин ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажарини жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 173760300 (Бир юз эстмиш уч миллион етти юз олтмиш минг уч юз) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берини ва жорий молиялантириши учун молиялантириши ва ишларни бажарини жадваллари асос хисобланади (З-илова)

16. Жорий молиялантириши бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажарини ва молиялантириши жадвалларига мувофик объектининг умумий шартномавий жорий қийматининг 30% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектининг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўтрасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилини тугалланандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади;

18. Пудратчи объект фойдаланишига тоширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объектининг Буюртмачига тоширилгунга кадар, объектининг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланниши хавфи Пудратчининг зиммасига бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зинмасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кунга киритган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тартибда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равинида хабардор қилган холта, шартномага ўзгартиринилар киритиш ёки шартномани бир томонидама тартибда бекор қилинг хукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашидан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилини майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг помидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва ици хужжатларига мувофиқлигини текениради.

21. Техник аудитор ишлар бажарилшинини ва шартноманини бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсицесиз танишинг хукуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишланинг учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилини майдонида ишларни амалга ошириши чоғида пайдо бўлуви масалаларни ҳал килинг бўйича йигилишларда мунтазам равинида қатнишади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманиниг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалнига биноан обьектда ишларни бажарини мустакил равинида тақсил этади.

24. Пудратчи обьектда ишларни олиб борни тартибини қурилинида Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилини майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилини майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилини ахлатини жойлаштириш ва етишмайтган тупроқни қазиб олини учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилини майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзолашган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилини майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни боғлаш (привязка) килинг учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларни тақсил этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга ишбатан обьектининг тўғри ва зарур тарзда белгиланини, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишили тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлини ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларниң жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар туталлангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилини майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактича уланини ва улани нуқталаридан яйгидан қурилган коммуникацияларни уланини Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилинида кўлланиладиган қурилини материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларидан кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишили сертификатларга, техник паспортларга ёки бонка хужжатларига эта бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитиладиган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилинши бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилинида Давлат назорати инспекциясини ёзма равинида хабардор қиласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилини далолатномалари хамда уларнинг қурилинида Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларидан беркитиладиган ишлар текникуви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариши дафтарига киритилган ёзма рухеатномасидан кейинига ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқесиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикнуб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маибаатларга жилий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майдо чегта чиқишларни Буюртмачининг розиёнингиз амалга оширеа, у агар буларнинг қурилини сифатига таъсир этмаганлигини исбллатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатесиз бажарилсанлигини аниқласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини

Күнайтырмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаши учун келингизан муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандинин иккичи хат бошида кўрсатилиш холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатениз бажарилган ишларни келингизан муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатининг кечинини оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлади,

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва ўйлакларини сунурниб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажарин дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни борини, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларниш бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилини, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларниш қабул килиб одинини ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолинилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугалланни узил-кесил муддатига таъсир қилини мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларниш борини ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажарин дафтарида ўз фикрини баёни қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равинида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этини чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

X. Ишларниш тўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилидан қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриклинишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва ишпоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форе-мажкор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишинга бевосита таъсир эта, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарини муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қиласди, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равиша узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларниш оқибатлари бир ойда кўп вақтда ҷўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиш учун қандай чораалар қўрилишини муҳокама қиласди.

43. Агар томонлар иккى ой ичидаги келинча олмасалар, у холда томонларнишнинг ҳар бирин шартнома бекор қилининини талаб қилингана ҳақидидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолани санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишига қабул қилиб олишининг белгиланган қондадарига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 90 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун один мазкур шартноманинг У бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги иккى нуҳча ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўйламишини амалда бажарилгандан ишларга тўлик мос келинини ёзма равиша тасдиқланни керак.

47. Қабул қилиб олишнишнайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарини;

- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъорлари, қондадари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнишнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинини;

объектдан фойдаланинда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофикатини кафолагатлади;

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, аёбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланишинига ишларини кафолагат муддати томонлар қурилиши туғалланган объектининг қабул килиб олини тўғрисидаги далолатномани имзолашган кундан бошлаб камидан 3 ой этиб белгиланади. Объект томонини кафолагат муддати камидан 12 ой этиб белгиланади;

50. Агар объектдан фойдаланишини кафолагти даврида аниқланаб, уни бартарф этилунга қадар фойдаланишини давом этириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолагат муддати нуқсонларни бартараф этиши даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади;

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналариниң камчилликларини далолатномада кўреатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмаchi мазкур шартноманинг VIII-бўлимидаги тутилган кафолаг суммасини Пудратчиниң ушлаб колини хукуқига эга;

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўреатилган далолатноманинг тувишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текнириб чиқини қурилишида Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларининг ушибу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истиноси этмайди.

XIII. Шартноманинг бекор килиши

52. Буюртмаchi:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишининг бошланишини Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни туғалланшини мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кечиктирилган холда;

- пудратчи томонидан ишларни бажарини жадвалига риоя этилмагандага;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиши мөъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларининг сифати пасайиншига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларниң бажарилини Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмаchi томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмаchi томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандага;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмаchi ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра туғалланмаган қурилиши объекти бир ой муддатда Буюртмачига тоширилади, Буюртмаchi бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартноманинг бекор қилинганда Буюртмаchi ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра туғалланмаган қурилиши объекти бир ой муддатда Буюртмачига тоширилади, Буюртмаchi бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

56. Шартнома бекор қилинганда айбордом томони иккичи томонга етказилган заарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинини йўл қўйилмайди, конун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларининг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бирни шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирта айбордом томони:

- иккичи томонга етказилган заарини тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларидаги ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўреатилган ўз мажбуриятларига риоя килмагандаги, ўз вақтида молияни тирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузсанлиги учун Буюртмаchi Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятиниң бажарилмаган кисминини 0,2 % миндорида пеия тўлайди, бунда пеиянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўреатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашини Буюргачини шартнома шартлари бузилини тифайли етказилган заарни
коопландан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош
тортишадиги учун Буюргачи Пудратчига ўзи тасдиқлаширад этган ёки бош тортиш сумманинг 3
фонзи мисқорида жарима тўлади.

61. Пудратчи обьектин ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузантиги учун
Буюргачи муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган
кисемининг 0,2 фонзи мисқорида пеня тўлади, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект
шартномавий жорий қийматининг 20 фонзидан ошасиги лозим.

Буюргачи томонидан тошилган нуқсанлар ва камчилклар ўз вақтида бартараф этилмагани
учун Пудратчи буюргачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар
кийматининг 0,2 фонзи мисқорида пеня тўлади, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган
ишлар қийматининг 20 фонзидан ошасини керак.

Пеня тўлаши Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўреатишнинг кечикиши
тифайли етказилган заарларни коопландан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш месъёрлари ва
коопланитга, иници хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюргачи қурилишида Давлат изорати
инспекциясининг хуносаси асосида обьектни қабул килини ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш,
шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фонзи мисқорида
ундирни хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур моддада назарда
тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-
мулкининг ўқотилишини ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланидиган
пеня билан коопланмаган заарларни кооплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганини ёки мажбуриятларни бошқача тарзда зарур даражада
бажарилмаганини учун пеня тўлаши томонларни унбу мажбуриятларни бажаринидан озод этмайди.

XV. Низоларни хал этини тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилинганда шунингдек етказилган заарларни коопланда
пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган
тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар
ўргасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзималар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз
кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиши обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини
Буюргачининг ёзма рухасатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки
берини хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгarterиши ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда
расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хақиқий хисобланади.

69. Буюргачи билан Пудратчи ўргасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги
мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай келишувин томонлар мазкур шартномага
қўнимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланни керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якупланганидан кейин қурилиши майдонидан ўзига
тегишли мол-мулкин колдирса, у ҳолда Буюргачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилин
санасигача бажаргани ишлари учун ҳақ тўлашини кечиктиришига хақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун
хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг
коррупцияга карши кураини тўғрисидаги конун хужжатларининг тадабларига зид келадиган хар
қандай харакатларни амала оширмайдилар, шу жумладан пора, яши (давлат органи ёки
ташкилотининг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган
шахенинг маффаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартларни
ёхуд мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олини учун қуйидаги харакатларни
килмайди;

пора беринин тақлиф килини ёки ваъда берин;

тозламанинк килини;

пора сифатида нут тўлани;

бевосита ёки бидвосита пора олини а розилик берин.

Томонлар унбу харакатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки тақшлотининноми) ходимининг ахлоқка тўғри келмайдиган ва унбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига юд келадиган хатти-харакатларига, шу жумладан, коррупсияга оид ҳуқуқбуварлик содир уншига маъжбурлашдан иборат бўлган факултартга дуц келса, бу ҳақи қуйидаги алоқа каналларидан бирин орқали хабардор килини керак:

коррупсия ҳакида хабар берининг мўжжалланинчи телефони;

Телеграм-канали

(давлат органи ёки тақшлотининноми) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта,

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Пудратчи

MCHJ SMART-SPESS-STROY

«МИЖОЗ»

Манзил: Ромитан туман

х\р 20208000905436741001

Вобкент ХТБ

Банк номи: Ромитан ш Миллий банк

Телефон раками: 33-21-863

МФО Банк коди: 00943

ш/хв: 4017228600621270921000750035

ИНН: 308849534 ОКОНХ:

Банк ном Тошкент Марказий банк

МФО 00014 ИНН 201408275

ОКОНХ 92310

М/хв 23402000300100001010

Газначилик бўлим номи: Вобкент тумани

Газначилик булинмаси

Рахбар Ч.Жумасева

Рахбар

М.Фармонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GB2018574067

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Vobkent tumani xalq ta'limi tomonidan 22.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Vobkent tumani
yuridik markaz
markaz rahbari:



B.M.G‘AYBULLAYEV

22.11.2022